

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент давлат шарқшунослик
институтини ректори

А.Майинов

« 29 » август 2017 йил

«МАЪКУЛЛАНДИ»
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
ҳузурдаги ОАК раиси,
А.Т. Юсупов

« 29 » август 2017 йил

10.00.10 – “Матншунослик ва адабий манбашунослик”
иختисослиги бўйича малакавий имтиҳон
ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси
Раёсатининг 2017 йил « 29 » август №24/3-сонли қарори билан
тасдиқланган

ТОШКЕНТ – 2017

Т у з у в ч и л а р:
филология фанлари доктори, профессор **Қ. Содиқов**

Т а қ р и з ч и л а р:
филология фанлари доктори, профессор **А. Маннонов**
филология фанлари доктори, профессор **С. Ҳасанов**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон дастури Тошкент давлат шарқшунослик институти Кенгаши 2017 йил 2 июлдаги йиғилишида тасдиқланган.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Самарқандда ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқида алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: *“Бугун ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин ва буни мен алоҳида қайд этмоқчиман, Ўрта асрлар Шарқ даҳоларининг буюк кашфиётларидан иборат илмий мероснинг чуқур қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда”*. Шу маънода Ўзбекистонда манбашунослик ва матншунослик соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоғи керак.

Мамлакатимизда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг янги тизими жорий этилди. Илмий салоҳияти юқори бўлган фан докторларини тайёрлашга эътибор янада ошмоқда. Бўлажак фан докторларидан қабул қилинадиган малакавий имтиҳонларга ҳам жиддий эътибор қаратилмоғи лозим. Ушбу дастурда ана шу талаблар инобатга олинган.

Ушбу дастур 10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик ихтисослиги бўйича тузилган.

Дастурни тузишда изланувчининг айна соҳада олган билимлари, тадқиқот яратиш жараёнида тўплаган билим ва тажрибаларига таянилди. Табиийки, бўлғуси фан доктори (PhD) манбашунослик ва матншуносликнинг энг сўнги ютуқларидан хабардор бўлмоғи керак.

Дастур икки бўлимдан тузилган: у манбашунослик тарихи, назарияси ва матншуносликнинг назарий масалаларини ўзида қамрайди.

Имтиҳон саволлари ана шу дастур бандларидан келиб чиқиб тузилади. Дастур сўнгида ушбу фанни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган илмий китоблар, шунингдек, мамлакатимизда адабий манбашунослик ва матншунослик йўналишида ёқланган айрим диссертацияларнинг авторефератлари ҳам берилмоқда.

ФАН ДАСТУРИ

Манбашунослик тарихи ва назарияси

Манбашунослик тушунчаси. Манбашунослик – фан сифатида. Фаннинг вазифаси ва доираси. *Тарих манбашунослиги, адабий манбашунослик, фан соҳаси манбашунослиги (илмий асарлар манбашунослиги)*, уларнинг умумий ва ўзига хос қирралари.

Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг *археография, палеография, архившунослик, библиография, эпиграфика, криптография, нумизматика, герменевтика* сингари ёндош соҳалари.

Адабий манбалар, адабиёт тарихи, назариясига оид манбаларни қидириб топиш, тартибга солиш ва улардан фойдаланиш йўллари ўрганишда адабий манбашуносликнинг ўрни.

Манбашуносликнинг йўналишлари ва асосий вазифалари. Амалий ва назарий манбашунослик. Назарий йўналиш - ёзма манбаларнинг вужудга келиши ва уларда реал-тарихий жараёнларнинг акс эттирилиши қонуниятлари; манбаларни излаб топиш, тартибга солиш ва туркумларга бўлиш асосларини ишлаб чиқиши; манбаларни тадқиқ қилиш услубини белгилаб бериши. Амалий манбашуносликнинг манбаларнинг муайян соҳаси, бўлими, даври, масаласи юзасидан иш олиб бориши; қўлёзмалар фонди, архив, музей, кутубхоналарда манбаларни тўплаш, сақлаш ва тавсифлаш. Бу ишларнинг кейинги илмий тадқиқотлар олиб бориш учун амалий аҳамияти.

Манбаларнинг турлари. Манбалар таснифи. Тошбитиглар (эпиграфик матнлар), тери, сопол, металл, ёғочлар ва турли ашёларга битилган матнлар. Манбаларнинг мазмунига кўра турлари. Тарих асарлари, илмий, расмий ва дипломатик ҳужжатлар, диний-фалсафий асарлар ва адабий манбалар.

Ёзув тарихи ва назарияси. Ёзув ва уни ўрганувчи соҳалар: графемика, палеография, эпиграфика, нумизматика. Ёзувнинг пайдо бўлиши. Пиктографик ёзувлар. Миср, Шумер-Бобил (миххат), Хетт, Каноний (финикий) ёзувлари. Алифболи (фонетик) ёзувнинг келиб чиқиши. Ҳозирги ёзувларнинг тарихий илдизлари.

Марказий Осиёда энг қадимги ёзув маданияти: бохтарий (оромий), бохтарий-юноний, авеста, қадимги хоразмий, суғд, кушон, кхароштхи, руний, уйғур, брахма, моний ёзувлари ҳақида умумий маълумот. Авеста, суғд, кўк турк, уйғур, моний ёзувларида битилган обидалар.

Ёзув қуроллари ва ашёлари: тош, тери, папирус, ёғоч, қоғоз, қалам, довод.

Турли ёзувда ва даврларда юзага келган манбалар очиқламаси.

Туркий адабиётнинг энг қадимги манбалари. Юнон (Геродот, Полиэн асарлари ва бошқалар) манбаларида аждодларимизнинг қадимий қиссалари. Марказий Осиё халқлари маданияти, тарихи ҳақида чет эл манбаларида келтирилган маълумотлар.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асари ва унинг қадимги туркий адабиётни, туркий халқлар оғзаки адабиётини ўрганишдаги аҳамияти.

Урхун-енисей обидалари туркий ёзма адабиётнинг илк намуналари сифатида. Ёдгорликларнинг жанр, ғоявий-бадий хусусиятлари.

Уйғур ёзуви ва унинг ёдгорликлари. Қадимги турк-будда, турк-моний, турк-насоний адабиёти намуналари.

Сўғд ёзуви ва унинг ёдгорликлари. Сўғд диний-фалсафий адабиёти намуналари.

Ислом ва унинг Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғлиқ ҳолда шаклланган манбашунослик, унинг тарихий тараққиёти. Қуръон, Ҳадис ва тафсир илми. Қуръон ва унинг туркий таржималари. Туркий тафсирлар. Ислом манбаларининг маънавий, маърифий-тарбиявий аҳамияти.

Классик адабиётимиз намояндalarининг асарларини манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш.

Адабиётшуносликка оид манбалар. Тазкира ва баёзлардаги, маноқиб ва ҳолатлардаги, илми балоға, илми аруз, илми бадеъ, илми қофияга бағишланган асарлардаги муқаддима ва дебочалар.

Ислом даври асарларининг анъанавий компонентлари. Асар яратиш одоби («одоби тасниф» ёки «одоби таълиф») га риоя қилинганлиги. Одоби таълифнинг талаблари.

Басмала, Аллоҳ ҳамди (мақтови), наът, «нияти тасниф» - асарни яратишдаги бош мақсад, ёзилиш сабаблари баён этилган бўлим, сарлавҳа, дебоча.

Китобат санъати. Марказий Осиёда қоғоз ишлаб чиқариш ва китоб яратиш тарихи. Қадимги китоб турлари: ўрама қоғоз шаклидаги китоб, потхи китоб, жилд китоб, дафтар, вараққа битилган матн. Китобат иши ва наққошлик санъати. Хаттотлик мактаблари. Ҳирот мактаби ва унинг намояндalари. Бу мактабнинг ривожда Бойсунғур Мирзонинг хизматлари. Бухоро мактаби. Самарқанд хаттотлик мактаби. Хоразм мактаби. Фарғона мактаби. Тошкент хаттотлик мактаби.

Ёзув ёдгорликларининг материали: тош, сопол, металл, чарм, ёғоч, қоғоз.

Ёзув қуроллари: қалам, қаламдон, довод, сиёх. бўёқ.

Котиб, лаввоҳ, мусаввир (рассом), саҳҳоф (муқовасоз) ва уларнинг китоб яратишдаги хизматлари.

Қўлёзма китобларнинг бадий безаклари: шамс (форзац). туғро, лавҳа, унвон (заставка), зарварақ (шмуцтитул), сарлавҳа, доира, миниатюра, жадвал, геометрик шакллар, нақш ва зийнатлар, хат тури (услуги), хат ранги, хотима ва б.

Қўлёзма китобларнинг муқоваси. Муқова қисмлари.

Наққошлик санъати. Наққошлик Шарқ халқларининг қадимий-амалий санъати сифатида.

Ҳирот, Самарқанд, Язд, Бухоро тасвирий санъат мактаблари. Санъат асарлари. Қўлёзмаларга ишланган миниатюралар.

Навоий асарлари куллиётлари ва уларнинг таркибидаги асарлар.

Ислом даври қабртошларидаги ёзувлар.

Қадимги Шарқ илмий-маданий марказларида кутубхоначилик, китоб йиғиш ва уни сақлаш анъаналари. Ибн Батута ва Бухоро китоб хазинаси. Ўрта асрлар китоб хазиналари. XIX аср охирида (1870 йил) Тошкентда қўлёзмалар фондининг ташкил этилиши. ТошДШИ қошидаги Шарқ қўлёзмалари маркази ва Диний бошқарма қўлёзмалар фонди.

Қўлёзма ва тошбосма китоблар фонди. Фонд материаллари устида ишлаш. Қўлёзма ва тошбосмаларни дастлабки кўриб чиқиш, уларни илмий ёзиб олиш, тавсифлаш ва каталоглаштириш. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти ва Қўлёзмалар институти нашр этган каталоглар. Дорн каталоги (Санкт-Петербург давлат халқ кутубхонаси). Қўлёзма ва тошбосма китоблар тавсифи ҳақидаги ҳамда хаттотларнинг фаолиятини ёритувчи нашрлар.

Қўлёзмаларни тавсифлаш. Тавсиф турлари. Босилиб чиққан монографик тавсифлар таҳлили.

Қўлёзмалар фондини бойитиш. Давлат фондлари, уларда сақланаётган қўлёзмалар. Шахсий архивлар. Аҳолидан қўлёзма ва тошбосма китоблар сотиб олиш. Янги манба ва нусхаларни излаб топиш. Чет мамлакатлар фондидаги манбаларни Ўзбекистон фондларига, илмий марказлар ва ўқув юртларига жалб этиш. Ўзбек манбашунос ва матншунос олимларининг бу йўналишдаги хизматлари. Чет элларда чиқарилган каталоглар. Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Туркия, Миср, Россия, Фарбий Европа мамлакатлари фондларидаги қўлёзма меросимиз ҳақида умумий маълумот. Ота-боболар меросини ўрганишда чет эл фондларида сақланаётган архив материалларининг ўрни ва аҳамияти.

Манбашунослик тадқиқоти олиб боришнинг илмий мезонлари. Қўлёзма манбаларни бирламчи тавсифлаш: асарнинг номи, муаллифи, котиби, хат тури, юзага келган вақти, ёзилган материали, қўлёзманинг ўлчами, ҳажми, саҳифалардаги сатрлар миқдори ва ҳоказоларни аниқлаш. Турли давр ёзма манбалари учун хос бўлган ташқи белгилар.

Қўлёзмаларни монографик тавсифлаш; унинг ўзига хос белгилари.

Манбашунослик тадқиқотлари йўналишлари. Ўзбек халқ китоблари қўлёзмаларини ўрганиш. Шарқ хаттотлик ва китобат санъатини ўрганиш, Шарқ миниатюра санъатини ўрганиш. Матншунослик тадқиқотлари ва қўлёзмаларни нашр эттириш.

Манбашунослик тадқиқотларининг матншунослик таҳлилидаги ўрни. Архив тавсифлари, каталог тўпламларидан фойдаланиш. Айрим шоир ва адибларнинг турли фондлардаги қўлёзмалари ҳақида тадқиқотлар. Хаттотлар фаолияти хусусидаги илмий кузатишлар.

Ҳозирги ўзбек манбашунослиги. Унинг соҳалари. Рус ва ўзбек олимларининг бу соҳага қўшган ҳиссалари.

Янги техника асрида манбашунослик. Кодикология фани. Қўлёзмалар фондларининг интернетдаги сайтлари. Интернет сайтларидан манбаларни ўрганиш.

Манбашуносликнинг долзарб муаммолари.

Матншунослик назарияси ва амалиёти

Матн, текст; матншунослик, текстология тушунчалари. Матншунослик – фан сифатида. Унинг предмети ва бош вазифалари. Матншунослик – филологиянинг адабий асарлар ва тарихий ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланувчи фан. Матншуносликда тарихий поэтика, услубшунослик ва уларнинг ишлатиш ўринлари. Адабий, тарихий ва илмий асарлар матншунослиги.

Матншуносликнинг йўналишлари: назарий ва амалий матншунослик. Назарий матншуносликнинг матнларни илмий тадқиқ этишнинг умумий қонуниятлари, турли тарихий босқичларда уларнинг ўзгариб бориши хусусиятлари ва матнни қайта тиклаш принциплари каби масалаларни қамраб олиши. Амалий матншуносликнинг муайян асар матни тарихини ва унинг манбаларини ўрганиш, ёзилиш даври, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, тарихий-тадрижийлик йўли билан муаллиф варианты ва унга яқин энг ишончли вариантни танлаб, шу вариант асосида матнни тиклаш билан шуғулланиши.

Ислом даври матншунослигининг юзага келиши. Араб хат турлари – куфий, муҳаққақ, сулс, тавқий, риқоъ, райҳоний, насх, таълиқ, настаълиқ, шикаста. Араб ёзувида яратилган манбалар ва уларни текстологик жиҳатдан тадқиқ этиш масаласи.

XI–XIV аср матншунослигининг хусусиятлари. Беруний ва қадимий манбалар. XI–XII манбаларини нашрга таёрлаш масаласи. Аҳмад Яссавий “Ҳикматлар”и матни муаммоси.

Темурийлар даври матншунослиги. Ҳирот матншунослик мактаби. Бойсунғур Мирзонинг матншуносликка қўшган ҳиссаси. У ташкил этган гуруҳнинг танқидий матнлар тузишни йўлга қўйишдаги хизмати. Самарқанд матншунослик мактаби. Адиб Аҳмад Югнакий “Ҳибату-л-ҳақойиқ” асарининг таянч матни. Бу даврдаги хаттотлар фаолияти.

Матншуносликнинг таҳлил доираси. Матн тарихи. Асар (муаллафа, таълиф, китоб). Қўлёзма, қоралама (махтута, мусаввада, тусвид). Нусха. Муаллиф дастхати. Асл нусха (нусхаи аслия – протограф).

Матн турлари ва вариантлари. Таҳрир варианты. Тил варианты. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарининг икки таҳрир варианты ҳақида.

Асар ва унинг версиялари тушунчаси (масалан, бир асарнинг *санскритча-хитойча-қадимги туркий версияси; суғдча-туркий версиялари; форсча-туркий версиялари* сингари).

Бир неча тилли матнлар (суғдча-туркий; суғдча-туркий-хитойча битиглар, эпиграфик матнлар) ва уларни ўрганиш.

Ягона қўлёзма нусхада сақланган асар матн устида ишлаш. Матн тарихинини ўрганиш, уни ўқиш, турини аниқлаш, асар яратилган давр, унинг муаллифи, қўлёзмаси кўчирилган даврини, муҳитини аниқлаш.

Кўп нусхали матнларни тадқиқ этиш. Нусхаларни топиш, уларни хиллаш, нусхаларнинг алоқадорлик даражасини аниқлаш, қиёслаш, қистирилган ва тушиб қолган ўринларни аниқлаш, кўчирилган нусхаларни аниқлаш, текстологик аломатлар, асл нусхани топиш. Амплификация (кенгайтириш) ва интерполяция (қўшиш) тушунчалари.

Матн тарихини комплекс ўрганиш. Матннинг бошқа асарлар билан биргаликда кўчирилган нусхаси. Мажмуа китобларда керакли асарни ажратиб олиш ва уни бошқа нусхалар билан қиёслаб ўрганиш. Мажмуалар, куллиёт ва баёзлар, тазкиралар. Маноқиб ва рисоалар.

Шарқ мантшунослигида *таржима*, *шарҳ*, *баён* тушунчалари. Шарқ китоблари. Таржима асарлар ва уларнинг матнини ўрганиш. Шеърӣй ва насрий таржималарнинг ўзига хос хусусиятлари. Таржима нусхаларни ўрганишда аслиятнинг тутган ўрни. Таржима асарларни асл матнга яқинлаштиришда таржимон маҳорати.

Халқ оғзаки ижоди асарларини ўрганиш. Унинг ёзма адабиёт билан алоқадорлиги. Халқ китоблари ва дostonлари.

Шарқ китобатчилигида босма нашрларнинг (тошбосма китобларнинг) пайдо бўлиши. Асарнинг тошбосма нусхалари. Нашр ёки таржима учун нусха танлаш. Муҳаммад Раҳимхон II нинг матншуносликка қўшган ҳиссаси. Тошбосма нусхаларда муаллиф матни хатолари. Матнни атайин ўзгартириш. Уларнинг қўлёзма нусхалар билан муқоясаси.

Матнларни нашрга тайёрлаш. Нашр турлари: илмий, илмий-оммабop ҳамда оммабop нашрлар.

Манбаларнинг илмий нашри ва уни яратиш йўллари. Илмий нашрлар – транскрипция, академик нашр, факсимиль нашр, илмий-танқидий матн ва уларни нашрга тайёрлаш принциплари. Илмий нашрни тайёрлашдаги тан олинган халқаро нормалар.

Илмий-оммабop нашрлар, унинг бошқа нашрлардан фарқли белгилари.

Оммабop нашрлар – транслитерация, табдил, насрий баён ва уларни нашрга тайёрлаш принциплари. Нашрда асарларнинг хронология, жанр ва мавзулар бўйича берилиши.

Нашр маълумотномаси. Археографик кириш, матншунослик тадқиқи, матнни бериш қоидаси, изоҳлар, кўрсаткич, қийин сўзлар луғати, адабиётлар рўйхати.

Матншунослик тадқиқотларига умумий бир боқиш. Шарқ манбаларини ўрганишда Ғарбий Европа, рус ва чет эл матншуносларининг хизматлари. Шарқ манбаларининг шарқшуносликда, дунё фанида тан олинган илмий нашрлари.

Ҳозирги ўзбек матншунослиги, унинг ютуқлари ва ўзига яраша муаммолари. Янги турдаги ўзбек илмий матншунослик соҳаси.

Мустақиллик даври матншунослиги.

Матншуносликнинг долзарб муаммолари.

Тадқиқотчи ўқиб ўрганиши учун тавсия этиладиган китоблар

Каримов И. Юсак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, 2008

Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Тошкент, 2012.

Karimov I. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish – eng oliy saodatdir. Toshkent, 2015.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ allomalari va mutaffakirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojidadagi roli va ahamiyati” mavzusidagi Xalqaro konferensiyaning ochilish marosimidagi nutqi. // “Ўрта асрлар Шарқ allomalari va mutaffakirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojidadagi roli va ahamiyati” Xalqaro konferensiya materiallari, 2014-yil 15-16-may, Samarqand. – Toshkent, 2014. 4-31-b.

Алишер Навоий. Насойимул мухаббат мин шамоимил футувват. Илмий танқидий матн. Нашрга тайёрловчи Х. Исломий. Тошкент, 2011.

Аманжолов А.С. История и теория древнетюркского письма. Алматы, 2003.

Исҳоқов М. Сўғдиёна тарих чораҳасида. Тошкент, 1990.

Исхаков М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Древность и раннее средневековье. Ташкент, 2009.

Исҳоқов М., Раҳмонов Н., Содиқов Қ., Тўхлиев Б. Ўлмас обидалар (Ўзбекистон халқларининг қадимги ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар). Тошкент, 1989.

Исҳоқов М., Содиқов Қ., Омонов Қ. Мангу битиглар (Ўрта Осиё халқларининг энг эски ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар). Тошкент, 2009.

Каталог фонда института рукописей. В двух томах. Ташкент, 1988, 1989.

Каталог арабских рукописей ин-та народов Азии (1–3 вып). М., 1960–1965.

Лихачев Д.С. Текстология (на материале русской литературы X–XVII вв.). М.–Л., 1962, 1983.

Лихачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. М.–Л., 1964.

Муниров Қ. Шарқ қўлёзмалари. Тошкент, 1962.

Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент, 1971.

Эшмухамедова М. “Девони ҳикмат” қўлёзмалари. Тошкент, 2003.

Рейсер С.А. Основы текстологии. Л., 1978.

Рукописная культура народов Востока. Очерки. Кн. I. М., 1987.

Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. Тошкент. 2015.

Собрание восточных рукописей АН УзССР. / 2, 3; 5–8; 10,11 томлар. Ташкент, 1954–1987.

Содиқов Қ. Уйғур ёзуви тарихи (манбашунослик ва китобат тарихи масалалари). Тошкент, 1997.

Содиқов Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. Тошкент, 2004.

Содиқов Қ. Эски туркий битиглар. Тошкент, 2009.

Содиқов Қ. “Қутадғу билиг”нинг уйғур ёзувли хирот нусхаси. Тошкент, 2010.

Содиқов Қ., Омонов Қ. Туркий хужжатчиликнинг тарихий илдизлари. Тошкент, 2012.

Содиқов Қ. “Муҳокамату-л-луғатайн”ни ўқиб ўрганиш. Тошкент, 2011.

Стеблева И.В. Тюркская поэтика. Этапы развития VIII–XX вв. М., 2012.

Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-цзана. М. 1991.

Ўзбек тилидаги тошбосма китоблар каталоги. 1- жилд. Тузувчилар: Б. Қосимхонов, Ҳ. Лутфуллаев, Ш. Исломов. Тошкент, 2014.

Фирдоуси. Шахнаме. Критический текст. Т. I, М., 1960.

Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиқов Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. Тошкент, 2000.

Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. М., 1965.

Халидов А.Б. Книжная культура. Сб.: Очерки истории арабской культуры V–XV вв. М., 1982.

Хожа Аҳмад Яссавий. “Девони ҳикмат”нинг йиғма-қиёсий матни. Нашрга тайёрловчи М. Эшмухамедова. Тошкент, 2008.

Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. Тошкент, 1986.

Юсупов А.Т. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси (методологик-услубий, норматив-ҳуқуқий ва илмий-ташқиллий йўналишлари). Тошкент, 2013.

Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. Тошкент, 2000.

Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. Тошкент, 1991.

Ҳакимов М. Навоий кўлёмаларининг тавсифи. Тошкент, 1983.

Ҳакимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. Тошкент. 2013.

Ҳасанов М. Шарқ кўлёмаларини тавсифлаш ва фихристлаш. Тошкент, 1994.

Ҳасаний М., Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг назарий масалалари. Тошкент, 2012.

Ғаниева С., Содиқов Қ. Ёзув тарихи ва китобат санъати. Тошкент. 2013.

Матншунослик ва манбашунослик йўналишида яратилган диссертацияларнинг авторефератлари

Ахунджанов Э.А. Историко-типологическое исследование истории книги и книжного дела в Туркестане: древность, средние века. АДД. Ташкент, 1998.

Бекчанов И. Тазкире “Музаккири ахбаб” Хасанходжа Нисари и узбекская литература XVI века (в аспекте источниковедения и текстологии). АКД. Ташкент, 1993.

Ирисов А. Литературное Наследие Ибн Сины (источник и своеобразие художественного творчества). АДД. Ташкент, 1996.

Исҳоқов М. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий-танқидий матни. Тошкент, 1997.

Мадраимов Х.А. “Кимйā-йи саъдат” Абу Хамида Газāли и его переводы на тюрки. АКД. Ташкент, 2000.

Маннанов А.М. Рошанийская литературная школа на пушту в XVI–XVII вв. (Источники и проблемы реконструкции). АДД. Ташкент, 1996.

Йўлдошев И.А. Ўзбек ёзма адабиётидаги “Чор дарвеш” асарининг кўлёмма

манбалари ва матний тадқиқи. НДА. Тошкент, 1998.

Эркинов А.С. Источники интерпретации “Хамса” Алишера Навои в XV–XX вв. АДД. Ташкент, 1998.

Рашидова М.Х. Текстологическое исследование произведения Алишера Навои “Назм ул джавабир”. АКД. Ташкент, 1991.

Ризаев Ш.Т. Ўзбек жаҳид драматургиясининг шаклланиш манбалари. НДА. Тошкент, 1995.

Самандарова С.Э. XX аср ўзбек тазкиралари. НДА. Тошкент, 1996.

Сирожиддинов Ш.С. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV–XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари (Қиёсий типологик-текстологик таҳлил). ДДА. Тошкент, 1998.

Турдалиев Л. Маҳмуд Ҳаким Яйфаний адабий ва илмий меросининг манбалари. НДА. Тошкент, 1997.

Турсунов Ю. “Муншаот” – как историко-литературный источник в изучении жизни и деятельности Алишера Навои. АКД. Ташкент, 1986.

Ҳамидова М.Ш. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи. ДДА. Тошкент, 1994.

Ҳурматжон Абдурахмон. Уйғур шоири Харобатий ва унинг адабий мероси. НДА. Тошкент, 2003